

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА НИЛУФАР БЕКМУРАТОВНА

**ПРЕМЧАНД АСАРЛАРИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Philological
Sciences**

Ходжаева Нилуфар Бекмуратовна

Премчанд асарлари ўзбекча таржималарининг лексик-стилистик
хусусиятлари 3

Ходжаева Нилуфар Бекмуратовна

Лексико-стилистические особенности узбекских переводов
произведений Премчанда 25

Khodjaeva Nilufar Bekmuratovna

Lexico-stylistic features of Premchand's Uzbek translations..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА НИЛУФАР БЕКМУРАТОВНА

**ПРЕМЧАНД АСАРЛАРИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil.281 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муҳибова Улфат Учқуновна
филология фанлари доктори, доцент

Очилов Эргаш Закирович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунда тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

А. Куранбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржимашунослигида умуминсоний маънавий ва маданий кадриятлардан баҳраманд бўлиш, дунё халқлари санъати, адабиёти ютуқларидан фойдаланиш илм-фан, маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Турли миллатларни бир-бирига боғлаб турувчи маданиятнинг асосий омилларидан бири адабиётдир. Инсоният маънавий ҳаётида адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Бунда нафақат ватан адабиёти, балки ўзга миллатлар адабиёти ҳам назарда тутилади. Азал-азалдан олиму адибларнинг асарларини турли тилларга таржима қилиш орқали халқлар ўртасидаги ришталар бир-бирига боғланиб келган. Мазкур масала бугунги фаннинг долзарб вазибаларидан биридир.

Дунё таржимашунослигида турли тармоқлар ва йўналишлар пайдо бўлмоқда, ҳорижий тилнинг лесик-стилистик хусусиятларини таржима қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда: фразеологизмлар лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш; мурожаат бирликлари таржимасининг лингвомаданий, структур, психолингвистик хусусиятларини қиёслаш; бадиий санъатлар таржимаси тамойилларини ишлаб чиқиш; персонаж нутқида учрайдиган жаргон, вульгаризм, эвфемизм, дисфемизм каби ифода шаклларини ўзига хос хусусиятларини далиллаш; миллий, тарихий ва диний реалияларни таржима қилиш усулларини аниқлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш масаласи шулар жумласидандир.

Ўзбекистон учун дунё халқлари билан ҳамнафас бўлиш, улар билан турли соҳаларда дўстона алоқаларни йўлга қўйиш мамлакатимизда рўй бераётган ислохотларнинг янги даврида устувор вазибалардан саналади. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик масаласи ҳар доим давлат сиёсати даражасида бўлиб келган. Ҳозирги кунда буюк ўтмишга эга бу икки қадимий давлат ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-2019 йилларда Ҳиндистонга расмий ташрифлари бунинг ёрқин далилидир. Президентимиз 2019 йилдаги Ҳиндистоннинг Гандинагар шаҳрида сўзлаган нутқида 2020 йилда Ҳиндистонда «Ўзбекистон маданияти йили»ни ҳамда Ўзбекистонда «Ҳиндистон маданияти йили»ни ўтказиш, жорий йилда юртимизда Ўзбекистон – Ҳиндистон Ёшлар фестивалини ташкил қилиш таклифини илгари сурди¹. Мамлакатларимиз орасида кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган турли соҳалардаги муносабатлар Ўзбекистонда юқори малакали ҳиндшунослар ва таржимонлар тайёрлаш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 апрель «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 17-18 январь кунлари «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммитидаги нутқидан // Халқ сўзи, 2019 йил 19 январь, № 13.

тўғрисида»ги ПҚ-3652-сон Қарорининг 20-банди, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари Ҳиндистон Давлатига расмий ташрифи давомида «Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида», «Фан, техника ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги битимлар имзоланиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз ва бошқа хорижий тиллар тилшуносликларига² ҳамда рус тилшунослигида³ таржима-шуносликнинг умумий ва хусусий масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбек таржимашунослигида бадиий таржиманинг турли жиҳатлари Ж. Шарипов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, Н.Владимирова, К.Жўраев, Н.Отажонов, М.Холбеков, Ҳ.Болтабоев, Г.Хўжаев, Р.Файзуллаева, Қ.Мусаев, Ш.Абдуллаев, Ҳ.Ҳамраев, М.Жавбўриев, З.Исомиддинов, Ҳ.Умаров, Я.Эгамова, Э.Нормамедов, У.Сотимов, З.Қосимов, Н.Ғиёсов, Н.Исамухамедова,

² Asaddudin. M. Premchand in World languages. – New York: Routledge., 2016; Gopal Sharma. Premchand in Translation. – New Delhi: Ruby Press & Co., 2017; Madhu Singh Translation as New Aesthetic: Premchand's Translation of Shab-e Taar and European Modernism // The annual of Urdu Studies. N 28 – P. 165 – 177; Mehrotra R.R. Terms of Kinship. Modes of address and Reference in Hindi // A study in Anthropological Linguistics. – Delhi, 1971 – P. 44–45; Mehrotra R. R. Sociolinguistics in Hindi context. – New Delhi: Oxford and IBH publishing company, 1985. – P. 39–79; Mehrotra R. R. Verbalization of polite behavior in Indian English. – Accessed online, February 2010; Neelakshi Suryanarayan, Tatiana Larina. English and Hindi Address Forms in a Bilingual Context. Series A: General & Theoretical Papers ISSN 1435-6473 Essen: LAUD 2012 – Paper No.777; Pramod Singh Chauhan. Pre-Independence English And Hindi Novel: A Comparative Study. – Gujarat, 2010; Tota Ram Gautam. Loss and Gain in Translation from Hindi to English: A Stylistic Study of Multiple English Translations of Premchand's *Godaan* and *Nirmala* (PhD thesis), 2011; Shingavi Snehal. Premchand and language: On Translation, Cultural nationalism and Irony //The annual of Urdu Studies. N 28 – P. 149–164; Trivedi, Harish. 1984. The Urdu Premchand: The Hindi Premchand. *Jadavpur Journal of Comparative Literature* 22:104–18.

³ Бреус Е.В. Основы теории и практики перевода с русского языка на английский. – М., 2000; Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М.: Издательство МГУ, 1978. – С 174; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Реалии // Мастерство перевода. – М., 1970. – С. 432; Киран Сингх Верма. Сопоставление форм обращения русского языка и языка хинди // Вестник КазНУ. Серия востоковедения. – № 2 (63). – 2013. – С.71; Лилова А. Введение в общую теорию перевода. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 256; Тарасов В.М. Особенности перевода обращений: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2011; Федоров А.В. Искусство перевода и жизнь литературы. – Л.: Советский писатель, 1983. – С. 352; Федоров А.В. О художественном переводе. – Л.: Гослитиздат, 1941. – С. 260; Чуковский К. Высокое искусство. – М.: Советский писатель, 1988. – С. 348; Чуковский К. Мастерство перевода. – М.: Советский писатель, 1970. – С. 591.

Л.Хусаинова, Э.Очилов, Н.Ўрмонова, Ш.Исакова, С.Комилова, Ш.Усманова, З.Худойберганава, Ю.Мезенцева, З.Содиқов, Х.Ҳамидов, Ш.Иброҳимова, Г.Остонова, Н.Досбаева, М.Собиров каби олимлар ва тадқиқотчиларнинг монография, диссертация ва илмий мақолаларида ўз аксини топган⁴.

А.Федоров, Б.Тоҳирбоев, А.Чуковский, Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Н.Комилов, Н.Отажонов, А.Умаров, Қ.Мусаев, С.Омонов, З.Исомиддинов каби рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар таржимашуносларининг илмий тадқиқотлари бадий таржиманинг турли масалаларига бағишланган.

Гопал Шарма⁵, М.Асадуддин⁶ каби олимлар Премчанд асарларини таржимашунослик нуқтаи назаридан монографик планда ўрганганлар. 2011 йил Ҳиндистоннинг Алигарх Мусулмонлар университети Инглиз тили кафедраси изланувчиси Тўта Рам Гаутам⁷ томонидан «Ҳиндий тилидан инглиз тилига таржимада йўқотишлар ва орттиришлар: Премчанднинг *Godaan* va *Nirmala* романлари инглизча таржималарининг стилистик тадқиқи» мавзуида илмий тадқиқот иши ҳимоя қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Премчанд асарлари адабиётшунослик нуқтаи назаридан анча батафсил тадқиқ этилган. Бросалина Е.К, Т.Ходжаева,

⁴ Бадий таржима дўстлик қуроли. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 128 б.; Бадий таржиманинг актуал масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 227 б.; Хусаинова Л. Национальное своеобразие и перевод: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1987. – С. 22; Хамраев Х. Воссоздание национального колорита произведений узбекской советской прозы во французских переводах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1988. – С. 22; Жавбуриев М. Воссоздание национального характера и исторического колорита в художественном переводе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1991. – С. 22; Джураев К. Сопоставительное изучение поэтических переводов в контексте межлитературных и межфольклорных связей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1991. – С. 35; Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1991. – С. 54; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида: филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 45 б.; Болтабоев Ҳ. Туркий тамаддун ибтидоси // Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Адолат, 2004. – 169-176 б.; Исомиддинов З. Алдоқчи сўзлар билан баҳс // Таржима санъати. 5-китоб. – Тошкент, 1980. – 154-174 б.; Исакова Ш. И. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс этирилиши: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 22 б.; Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 21 б.; Мезенцева Ю. Воссоздание национальной картины мира в русских переводах поэмы А.Мицкевича «Пан Тадеуш»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 2007. – С. 26; Содиқов З. «Қутадғу билиг» таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2007. – 176 б.; Исамухамедова Н. Стилистическая адекватность перевода художественного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 2007. – С. 26; Ўрмонова Н.М. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс этириш принциплари ва таржима аниқлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Камилова С. Нравственно-психологические искания в художественной литературе 70–90-х годов XX века: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 2008. – С. 27; Худойберганава З. Таржима стилистикаси ва танқиди. – Тошкент, 2016. – 176 б.; Худойберганава З. Таржима маҳорати // Ёшлик. – 2001. – № 5-6. – 3,4 б.; Остонова Г. «Минг бир кеча» асари ўзбекча таржималарининг қиёсий тадқиқи (давр, услуб ва таржима аниқлиги муаммолари) филол.ф.н. диссертацияси. – Тошкент. 2003. – 128б.; Досбаева Н. Бевопита таржимада бадий услубни қайта тиклаш (Америка ҳикоялари таржимаси мисолида). филол.ф.н диссертацияси. – Тошкент, 2011. – 145 б.; Собиров. М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). филол.ф.н.диссертацияси. –Тошкент. 2002. – 132 б.

⁵ Gopal Sharma. Premchand in Translation. – New Delhi: Ruby Press & Co., 2017.

⁶ Asaddudin M. Premchand in World languages. – New York: Routledge., 2016.

⁷ Tota Ram Gautam. Loss and Gain in Translation from Hindi to English: A Stylistic Study of Multiple English Translations of Premchand's *Godaan* and *Nirmala* (PhD thesis), 2011.

У.Муҳибова, О.Коломейцева, Р.Елизарова, Л.В.Еремян, Прамод Сингх Чаухан, О.С.Полиноваларнинг ишлари шулар жумласидандир⁸.

Ғафур Ғулумнинг 10 жилдли «Асарлар» тўпламининг 8-жилдидан ўрин олган «Атоқли ҳинд ёзувчиси Премчанднинг ҳаёти ва ижоди» ҳақида А.Иброҳимовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 7-жилдига киритилган Премчанд ҳақидаги мақоласи ҳам ёзувчи ижодини ўрганишда муайян аҳамиятга эга⁹.

Таржимашуносликда Премчанд асарлари юзасидан айрим ишлар амалга оширилган бўлса-да, таржималарнинг лексик-стилистик хусусиятлари, хусусан, «Ғабан» («Нажот») ва «Вардан» («Севги инъоми») романларининг ўзбекча таржималаридаги лексик-стилистик хусусиятлар муаммоси монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Ушбу диссертация замонавий таржима назариясига таянилган ҳолда ҳиндийдан ўзбек тилига бадиий таржиманинг бир қатор долзарб масалаларини бадиий асар материали асосида ўрганади. Тадқиқот хулосалари ва методикаси, шубҳасиз, таржимашунос тадқиқотчилар, шунингдек, таржимашуносликнинг турли муаммоларини тадқиқ этувчи изланувчилар ва назарийчилар учун фойдали бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ таржимашунослигининг назарий ва амалий масалалари» ҳамда «Таржима назарияси ва амалиёти» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Премчанднинг «Ғабан» («Нажот») ва «Вардан» («Севги инъоми») романларининг Амир Файзулло томонидан амалга оширилган ўзбекча таржималарининг лексик-стилистик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳинд ва ўзбек адабий алоқаларида бадиий таржиманинг ўрнини белгилаш;

Премчанднинг ҳиндий тилидаги бадиий асарларини ўзбекча таржималари билан солиштириб, улар ўртасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

⁸ Бросалина Е.К., Донченко С.С., Кокова и др. Очерки истории литератур Индии (X-XX в.в.). – С-Петербург. 2014; Ходжаева Т. Ўзбекистон ва Ҳиндистон адабий алоқалари. – Тошкент, 2011; Ходжаева Т. Ўзбек-ҳинд маданият-адабий алоқалари. – Тошкент, 2012; Muhibova U. Hind adabiyoti. – Toshkent, 2009; Коломейцева О. Премчанд – демократ ёзувчи. // Шарқ юлдузи. – 1951. – № 2. – 25 б.; Елизарова Р. Ижодий камолот чўққиси // Шарқ юлдузи – 1957. – № 1. – 68 б.; Еремян Л.В. Ганди и Премчанд // Современная литература зарубежного Востока. – 1976. – № 2. – 77 б.; Pramod Singh Chauhan. Pre-Independence English And Hindi Novel: A Comparative Study. – Gujarat, 2010 (Мустақилликдан аввалги даврда инглиз ва ҳиндий романчилиги: қиёсий тадқиқ); Полинова О.С. Реализм в современном индийском романе: на примере хинди, урду и бенгальской литературы. – Ташкент: Фан, 1984.

⁹ Ғулум Ғ. Атоқли ҳинд ёзувчиси Премчанднинг ҳаёти ва ижоди. Асарлар. 8-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулум. номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Иброҳимов А. Премчанд. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-том – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2004.

Премчанд асарларида қўлланган ўхшатишлар, метафоралар, фразеологизмлар, мурожаат бирликлари ҳамда миллий-маданий, тарихий-архаик ва диний лексиканинг таржима хусусиятларини далиллаш;

Премчанд асарларидаги персонаж нутқида учрайдиган шева, жаргон, эвфемизм, дисфемизм ва вульгаризмларнинг ўзбекча таржимадаги ифодасини асослаш;

таржима жараёнида таржимон қўллаган усуллар ва воситаларни аниқлаш; ёзувчи услуби ва таржимонлар маҳоратининг яқинлик даражасини очиб бериш;

чоғиштирма таҳлил асосида аслият ва ўзбекча таржималарининг мувофиқлик даражасини аниқлаш, бунга муносабат билдиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Премчанднинг «Ғабан» («Нажот») ҳамда «Вардан» («Севги инъоми») романлари ва уларнинг ўзбекча таржималари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини «Ғабан» («Нажот») ҳамда «Вардан» («Севги инъоми») романлари ва уларнинг ўзбекча таржимасидаги лексик-стилистик хусусиятлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш ҳамда лингвомаданий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Премчанднинг «Ғабан», «Вардан» романлари ва уларнинг «Нажот», «Севги инъоми» номи остидаги ўзбекча таржимасида берилган фразеологизм, ўхшатиш, метафора, мурожаат лексикаси, жонли нутқ бирликлари, тарихий, миллий-маданий, диний реалияларнинг ўзбек тилидаги лексик, семантик, стилистик, структур хусусиятлари аниқланган;

романларда ҳинд маданиятига хос лексиканинг ўзбек тилига шакл жиҳатдан ўхшаш ва семантик жиҳатдан фарқли қирраларни ифодалашнинг фонетик, морфологик, этнолингвистик ва лексикологик жиҳатлари асосланган;

романларда қўлланган миллий-маданий, тарихий, диний реалиялар, мурожаат бирликларининг транслитерация, трансформация усулларида, ибора, ўхшатиш, метафораларни эса сўзма-сўз, эквиваленти ёки муқобил вариантлари воситасида ўзбек тилига таржима қилиниши далилланган;

ҳинд маданиятига хос миллий, диний, ҳудудий хусусиятлар аниқланиб, ўзбекча таржимасидаги лисоний аналоглари ва ифодасидаги уникалия ва универсалиялар исботлаб берилган;

ҳинд маданиятига хос жест, мимика, рамз, теоним, ранглар символикаси, каби экстралингвистик хусусиятларини аслиятдан ўзбекчага таржима қилишнинг тасвирий-тавсифий усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳиндидан ўзбекчага таржима қилинган асарнинг лексик-стилистик хусусиятлари таҳлили орқали чиқарилган хулосалар шарқ таржимашунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, таржимашунослик, адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик, таржима амалиёти, лексикология,

лексикография каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

таржима асарида адабий тил ва бадиий услуб берилишининг ўзига хослигини ёритиш, тил ўрганувчи таржимонларда тилнинг лексик-стилистик хусусиятларини англаш компетенциясини шакллантиришга, шунингдек, ҳиндий ва ўзбек тили амалий таржима дарслигини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадиий асарни ҳиндий тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида тилнинг лексик-стилистик ўзига хосликлари, турли миллий-маданий характерга эга бўлган лексик бирликларнинг услубий вазифаларига доир назарий фикрларнинг илгари сурилганлиги билан изоҳланади.

Диссертацияда аслият ва таржима асарининг таржимашунослик аспектида тадқиқ этилганлиги таржима назарияси, лексикология, стилистика соҳаларини узвийликда ўрганиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдиради ва кенгайтиради, бадиий таржима масалаларини янги маълумотлар билан асослашга хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, ундан чиқарилган илмий хулосалар ва назарий умумлашмалардан Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари хорижий филология ва шарқ филологияси факультетларида таржима назарияси, таржима стилистикаси, таржима амалиёти, таржима танқиди фанлари бўйича маърузалар ўқиш, амалий ва семинар машғулотлари олиб бориш, ҳинд ва ўзбек адабий алоқалари бўйича махсус курслар ўтиш, семинарлар учун ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш, ҳиндий тилининг бадиий тасвирий воситалари луғати ҳамда муаллиф лексикаси луғатини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Премчанд асарларининг ўзбекча таржималаридаги лексик-стилистик хусусиятлар таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

бадиий асарда ҳинд маданиятига хос хусусиятлар ва фольклор элементларининг акс этишига доир таклифлардан ОТ-Ф1-67 рақамли «Буюк ипак йўли минтақаси халқлари фольклорининг типологияси, миллий ўзига хослиги ва ёзма адабиёт ривожидида тутган ўрни» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 89-03-822-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида Премчанд асарларининг миллий-маданий хусусиятлари ва фольклор элементларининг ўзбек тилида ифодаланиши масаласини очиқ беришга хизмат қилган;

ҳинд адабиётининг Ўзбекистонда ўрганилиши, ўзбек тилидан ҳиндийга, ҳиндийдан ўзбек тилига амалга оширилган бадиий таржималар, Премчанд ижодининг Ўзбекистонда ўрганилишига доир тавсиялардан Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази илмий фаолиятида фойдаланилган (Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказининг 14 мартдаги маълумотномаси). Натижада Премчанд асарларининг ўзбек тилидаги таржималари ва уларнинг лексик-стилистик хусусиятлари илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилган;

Премчанд асарларининг ўзбекча таржималаридаги лексик-стилистик хусусиятларни ёритиш бўйича олинган илмий-назарий хулосалардан А-1-180 рақамли «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 89-03-822-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши ҳиндийдан ўзбекчага таржима жараёнида бадиий асарнинг лексик-стилистик хусусиятини аниқлаш, бадиий санъатларнинг эквивалентларини танлаш, таржимани аслият билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширишга оид янгича назарий ёндашувлар билан боғлиқ масалаларни аниқлашга кўмак берган;

ҳинд-ўзбек адабий алоқалари ривожига бадиий таржиманинг ўрни, ҳиндча бадиий асарда берилган лексик-семантик, лексик-стилистик хусусиятларининг ўзбекчадаги ифодаси, Премчанд асарларининг ўзбекча таржималарида таржимон маҳорати, ўзбек тилидан ҳиндий тилига таржима жараёнининг мураккаб қирраларини ўрганиш ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканалда эфига узатилган «Ёнимиздаги одамлар» ва «Toshkent vaqti» саҳифасида туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент телеканали» давлат унитар корхонасининг 2017 йил 18 декабрдаги 02-17/1024-сон маълумотномаси). Натижада, тайёрланган материаллар теледастур мазмунини бойитиб, телетомошабинлар, хусусан, Премчанд асарларининг ўзбекча таржималарида таржимон маҳорати, ўзбек тилидан ҳиндий тилига таржима жараёнининг мураккаб қирралари бўйича тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилган;

ўзбек тилидан ҳиндий тилига қилинган бадиий таржиманинг амалий хусусиятларига доир натижалардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг фундаментал тадқиқотлар бўйича ЁА1-13 рақамли «Шарқ тиллари икки тилли луғатларининг лексикографик тадқиқотлари» (2013–2014 йиллар) номли лойиҳада ҳиндча-ўзбекча, ўзбекча-ҳиндча фразеологик луғатни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 89-03-822-сон маълумотномаси). Натижада луғат асосидаги терминология бўйича олинган назарий ва амалий тавсиялардан халқаро даражадаги мутахассислар фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва методлари белгиланган, диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти далилланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек-ҳинд адабий алоқалари ва таржимачилик**» номли биринчи бобида ҳинд адабиёти намуналарининг ўзбек тилига ва ўзбек адабиёти намуналарининг ҳиндий тилидаги таржималари, Премчанд ва ўзбек адабиёти орасидаги муносабат, ўзбек-ҳинд маданий алоқалари ва ўзбек тилига бадий тиржима воситасида ўзлашган ҳиндча лексика тадқиқ қилинган. Мамлакатимизда таржимачилик фаолияти тобора ривожланмоқда, Шарқ ва Ғарб қўлёзма ҳазиналари билан нодир асарлар нашрларини айирбошлаш ва бошқа илмий муносабатлар яхши йўлга қўйилган, жаҳон адабиёти намояндаларининг энг машҳур асарлари ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган. Бу билан она тилимизнинг лексик имкониятлари янада кенгайди, сўз бойлиги ортди, турли янги таъриф ва тушунчалар билан бирга, янги ифодалар ҳам кириб келди.

Ўзбек халқи ҳинд адабиёти билан 1913 йилда «Шўро» журналининг 23-сонида Р.Тагор ва унинг асарлари таржимаси чиққан пайтдан бошлаб яхши таниш. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1958 йил 4 октябрь сонида Ғ.Каримовнинг «Ҳинд ва ўзбек адабий муносабатлари тарихидан», «Шарқ юлдузи» журналининг 1960 йил 2-сонида С.Мирвалиевнинг «Ўзбек ва ҳинд адабий алоқалари тарихига доир», И.Низомиддиновнинг мазкур журналнинг 1968 йил 8-сонида «Ҳинд асарлари Ўрта Осиёда» номи билан чоп этилган

мақоласи, Чўлпоннинг Р.Тагор ҳақидаги «Улуғ ҳиндий», «Тагур ва тагуршунослик» мақолалари алоҳида эътирофга лойиқ¹⁰.

Ўзбек-ҳинд адабий алоқалари тарихига назар солар эканмиз, ҳинд асарларини туркий тилга таржима қилиш, асосан, Қорахонийлар даврида (XII аср) бошланган бўлиб, кейинги асрларда ҳам давом этади. «Калила ва Димна» (XIII аср)¹¹, «Синбоднома» (XIII аср)¹², «Тўтинома» (XIX аср)¹³, «Баҳори Дониш» (XIX аср)¹⁴ кабилар шулар жумласидандир.

Биргина «Калила ва Димна» асарининг ўзбек тилига илк таржимаси XIII асрга тўғри келади. Бу таржиманинг ягона кўлёмаси Лондондаги Индия Оффис кутубхонасида сақланмоқда. «Калила ва Димна» шу кунга қадар ўзбек тилига билвосита С.Долимов, С.Ғаниева ва И.Ғафуровлар томонидан таржима қилинган. С.Ғаниева форс ва озарбайжон тилларидаги нусхалардан, И.Ғафуров эса рус тилидан ўгирган.

Ўзбекистонда XX асрнинг ўрталаригача ҳинд адабиёти, асосан, рус тили воситасида таржима қилинган. Жумладан, Премчанднинг «Нирмала» романи Ш.Толипов, Кришан Чандарнинг «Мусаффо осмон» қиссаси ва «Бир қизга минг ошиқ» романи Қ.Мирмуҳаммедов, Яшпалнинг «Йўлдаги аёл» ҳикояси Р.Жабборов, Навтежнинг «Муаллим Дас» ҳикояси А.Эгамназаровлар томонидан таржима қилинган. Насрий асарлар билан бир қаторда назмий асарлар таржимасини ҳам кузатиш мумкин. «Рамаяна» достони 1978 йилда М.Аҳмедов томонидан таржима қилинган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бевосита аслият, яъни ҳиндий ва урду тилларидан таржималар қилиш авж олди. Бирин-кетин ҳинд ёзувчилари ҳикоялари тўпламлари нашр қилина бошланди. «Ҳинд ҳикоялари» (1955), «Қизил гуллар», «Ҳинд ёзувчиларининг ҳикоялари» (1956), «Ҳиндистон ёзувчиларининг ҳикоялари» (1958), «Меҳригиё» (1962), «Кул босган чўғлар» (1970), «Бир келин ҳикояси» (1975), «Оташ нафаслар» (1977), «Чирок ёнар тун бўйи» (2006) шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунгача биргина Премчанд қаламига мансуб 13 та романдан 6 таси ўзбек тилига таржима қилинган. «Қисмат» («Гўдан», 1962), «Нирмола» («Нирмала», 1967), «Нажот» («Ғабан», 1976), «Жанг майдони» («Кармабҳуми», 1985), «Фидойи» («Севасадан», 2003), «Севги инъоми» («Вардан», 2009) шулар жумласидандир.

Ҳинд адабиёти намуналари турли таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Бироқ, Премчанд асарларининг ўзбек тилига таржима қилишда А. Файзулла ижоди етакчи ҳисобланади. А.Файзулла таржимон сифатидаги ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у ҳиндий тилидан реалияларни транслитерация қилиш жараёнида кўпинча ҳиндийда чўзиқ «а» товуши билан келган сўзларни «о»лаштиради. Бундай ҳолатларни Премчанднинг «Нажот»,

¹⁰ <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/saodat-fayziyeva-20-yillarda-tarjima-bolgan-asarlarga-mulohazalar.html>

¹¹ Таржимон: Ифтихориддин Муҳаммад Бакрий.

¹² Таржимон: Мулк Саъид Ифтихориддин Муҳаммад Қазвиний.

¹³ Таржимон: Муҳаммад Худованд Қодирий.

¹⁴ Таржимон: Исо Муҳаммад Имом Муҳаммад ўғли, Муҳаммад Қосим бин Мулла Нодир Муҳаммад Бухорий.

«Жанг майдони», «Фидойи», «Севги инъоми», «Нирмола»; Бҳишам Саҳнийнинг «Басантий» романлари ва Картарсингх Дуггалнинг «Кузнинг тўлин ой кечаси» каби қиссаларининг ўзбекча таржималарида кузатиш мумкин. Масалан: *rājā* – *рожа*, *sārī* – *сорий*, *pāsī* – *носий*, *pān* – *пон*, *rājput* – *рожпут*, *Mahābhārat* – *Маҳобҳорат*, *Banāras* – *Банорас* ва бошқалар. Шу тарика сўзларни транслитерация қилиш натижасида эса ўзбек тилига ҳиндча ўзлашмалар кириб келади. Она тили сўз бойлигининг ўсишида, албатта, таржимоннинг сезиларли ҳиссаси бор. Ҳозирги кунга келиб, ўзбек тилида ҳиндийдан ўзлашган лексемаларнинг асосий қисми ҳиндуизм ва ҳинд маданиятига оид: *банг*, *браҳман*, *йог*, *корунд*, *рожа*, *Банорас* ва бу лексемалар ёрдамида ясалган кўшма сўзлар: *бангихона*, *бангинусха*; *браҳманизм*, *браҳманзода* шулар жумласидандир.

Иборалар таржимасида таржимон турли принципларни қўллайди. Эквивалент ва муқобил ибораларни топиб таржима қилишдан ташқари, кўп ҳолатларда аслиятда берилган оддий сўзларни ҳам ўзбек тилига ибора билан ўгиради. Жумладан, *урмаслик* – *қўлининг учини тегизмаслик*; *чиройли* – *бир қултум сув билан ютгудек*; *адашиш* – *чучварани хом санаиш* ва бошқалар.

«Нажот» ва «Севги инъоми» романи Премчанд ижодининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Мазкур асарларда ўзбек ўқувчиси учун жуда қизиқарли маълумотлар ҳам мавжуд. Ҳинд халқининг миллий байрамлари, урф-одатлари, миллий ўзига хосликлари ушбу асарда чиройли талқин этилган. Ўз навбатида, таржимада таржимон ҳам ўзбек тили бойлигидан имкон даражасида фойдаланган. Ўзбек тилининг бойлиги асарни янада чиройли ва сермазмун бўлишига хизмат қилган, шунинг учун ҳам асар таржимасини тўлақонли бадиий таржима дейиш мумкин.

Айрим лексемалар ўзбек ва ҳиндий тиллари лексикасига бир тилдан ўзлашган бўлишига қарамай, бошқа-бошқа маъноларни англатади. Фикримизнинг исботи сифатида ўзбек ва ҳиндий тилларига арабчадан ўзлашган *e'tibor*, *diqqat*, *taklif*, *fikr* каби сўзларнинг семантикасини келтирамиз. *E'tibor* сўзи ўзбек тилида *ҳурмат*, *иззат-иқром*; *назарга олиш*; *обрў*, *нуфуз*¹⁵ каби маъноларни англатиб келади. Ҳиндийда эса мазкур сўз *ишонч*, *эътиқод*, *эътимод*; *нуқтаи назар*, *фикр* (I-289) семаларини англатади.

Сўзнинг бир пайтнинг ўзида икки тилга ўзлашиши натижасида ҳам семантик фарқлар кузатилади. Ўзлашманинг маълум маъноси бир тилда доминант ҳисобланса, бошқаси иккинчи тилда етакчилик қилади, натижада икки тилда қўлланилаётган бир сўз турли хил маъноларни ифода этади. *Fikr* сўзининг ўзбекчадаги *тафаккур*, *ғоя*; *ақл*, *ўйлаш*, *ўй*, *хаёл*, *мулоҳаза* (IV-346) каби маънолари ҳиндийда ҳам қўлланилади, бироқ ушбу сўзнинг *гамхўрлик*, *хавотир*, *нотинчлик*, *хавотирлик*, *жонсарақлик* (II-177) каби маънолари борки, улар фаолроқдир. *Diqqat* сўзи ўзбекчада *фикр*, *фикру зикр*, *фикр-ёд*; *назар-эътибор*, *илтифот*; *синчковлик* (I-631), ҳиндийда эса *нотинчлик*, *хавотирлик*,

¹⁵ Ўзбек тили изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006–2008. – 1–5 жилдлар. – 5- жилд. – Б. 69. Бундан кейин луғатнинг жилди ва саҳифаси матн ичида қавсда берилади.

жонсараклик, ташиши, ваҳима; қийинчилик, мушукуллик, оғирлик, қийинлик (I-773) кабиларни англатади.

Кўп маъноли сўзларнинг турли семемалари алоҳида лексема сифатида бошқа тилга ўзлашиши натижасида улар ўша тилдан янги сўз сифатида жой олади. Бунинг натижасида сохта эквивалентлар ҳосил бўлади. Бундай сўзларнинг ҳиндий тилидаги семантикаси «Фарҳанги забони тожики»¹⁶ луғатида бир-бирига мос келади. Бундан *e'tibor, diqqat, taklif, fikr* сўзлари ўзбек тилига арабчадан тўғридан-тўғри, ҳиндийга эса форсий орқали кириб келган деган фараз пайдо бўлади.

Яна кўпгина тушунчалар борки, улар ҳам бадий таржима орқали ўзбек тилини бойитиб келмоқда. Ўсимликлар номини англатувчи *банг, бҳанг, пон*; зираворларни англатувчи *имбир, кардамон*; меваларни англатувчи *амруд, бирий*; дарахтларни англатувчи *пийнал, нийм*; ўлчов бирликларини ифодаловчи *кўс, сер, даржан, бҳар, карор, лакҳ*; пул бирликларини англатувчи *пейса, анна, рупя*; байрамлар номи бўлган *Хўлий, Дивалий, Рамлийла*; миллий ўйинларни билдирувчи *кабади*; маросимни билдирувчи *барот* (ўзбек маданиятидаги *куёвнавқарга* тўғри келади); диний маросимлардан *браҳмабҳўж* (ўзбек маданиятидаги худойига ўхшаш), чолғу асбобларини билдирувчи *вийна, сарангий, табла*; диний китоблар номи: *Веданта, Упанишад, Бҳагвадгита, Веда* шулар жумласидандир.

Ўзбек-ҳинд миллатлари ўртасидаги адабий, маданий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар қадимги даврлардан ҳозирги кунга қадар бардавом. Бунинг натижасида тил, адабиёт, фалсафа, дин, география, этнография фанларига оид қатор сўзлар ўзбек тилига ўзлашди ва бу жараён давом этмоқда.

1955 йилдан то ҳозирги кунга қадар Премчанд, К.Чандар, Хўжа Аҳмад Аббос, Яшпал, Разия Сажжод Заҳир, Бҳишам Саҳний, Дҳум Китту каби ҳинд адабиётининг забардаст намояндалари роман, қисса, повесть, шеър ва ҳикоялари ўзбек тилида нашр қилиниб келинмоқда. Ҳинд адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш борасида ҳиндшунос таржимон Амир Файзулланинг меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларига таржима қилиш анъанаси бошланди. Илк бор ўзбек тилидан Ш. Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» («Nagma-e-Kashmir») достони урду тилига таржима қилинган. Зулфия қаламига мансуб «Хотира сатрлари» шеърини тўпламини Н.Мухамедов, Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» асарини А.Иброҳимов урду тилига таржима қилдилар.

Ўзбек адабиёти намуналарини ҳиндий тилига ўгиришда ўзбек ҳиндшунос таржимонлари билан бир қаторда ҳиндий тили соҳибларининг салмоқли таржималарини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, А.Мухторнинг «Опасингиллар» романи 1979 йилда Рай Ганеш Чандра томонидан билвосита инглиз тилидан ҳиндий тилига, 1983 йилда О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси»,

¹⁶ Фарҳанги забони тожики. Иборат аз 2 жилд. – М., 1969.

1988 йилда П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари Судхир Кумар Матхур томонидан ҳиндий тилига таржима қилинган.

Премчанд асарлари ХХ асрнинг иккинчи ярмидан сўнг ўзбек тилига бевосита ҳиндий ва урду тилларидан таржима қилинган. Ёзувчи роман ва ҳикояларини ўзбек тилига Р.Муҳаммаджонов, А.Файзулло, Ш.Толипов, А.Иброҳимов каби таниқли таржимонлар таржима қилишган.

Премчанднинг ўзбек тилига бевосита илк таржима қилинган асари «Нажот» романи ҳисобланади. «Севги инъоми» романи эса сўнгги йиллардаги янги таржималардан бири ҳисобланади. Ўзбек тилининг бойлиги ва таржимон маҳорати таржима асари тилининг янада жозибали ва сермазмун бўлишига хизмат қилган, шунинг учун ҳам бу асарларни тўлақонли бадий таржима сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбек-ҳинд адабий алоқаларининг ривож ва тараққиётида таржима асарларининг ўрни беқиёс. Мазкур таржималар ҳинд маданиятини ўзбек китобхонига таништиришда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, таржимашунослик тадқиқотлари учун манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Премчанд асарларидаги бадий тасвир воситалари таржимасининг ўзига хосликлари**» деб номланган иккинчи бобида ҳиндий тилидаги фразеологизмларни ўзбек тилига таржима қилиш усуллари, таржимада ўхшатишларнинг лексик-структур жиҳатлари, ҳиндий ва ўзбек тилларида метафоралар таржимасининг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ўрганилган.

Фразеологик бирликларни таржимада адекват талқин этиш таржима амалиётининг мураккаб масалаларидан ҳисобланади. Чунки фразеологик бирликлар нутқнинг бадий-тасвирий воситалари сифатида услубий вазифаларни ҳам бажаради. Фразеологик бирликларни таржима қилишнинг мураккаб амалий жараён эканлиги бирликлар табиати – уларнинг лексик, семантик ва қурилиш жиҳатидан мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари, айрим фразеологизмлар миллий хусусиятга эгадирки, бу ҳам таржимонлар олдига қатор амалий қийинчиликларни кўндаланг қўяди¹⁷.

Ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослигида фразеологизмлар тадқиқига бағишланган қатор илмий ишлар амалга оширилган. Бироқ мазкур тадқиқотларда «фразеологизм» тушунчасининг турлича талқин этилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, ўзбек тилшунослигида «фразеологизм» тушунчаси тор маънода қўлланилса, ўзбек таржимашунослигида у кенг маънода талқин этилиб, ибора билан бир қаторда мақол, матал ва идиомалар ҳам тушунилади.

Ҳиндий тилида фразеологизм **मुहावरा** /muhavra/ дейилади. Ҳинд тилшунослигида ҳам фразеологизмлар тадқиқига бағишланган қатор илмий ишлар амалга оширилган. Бу ўринда ҳинд тадқиқотчиларидан Рамдахин Мишра **हिंदी मुहावरे** (1924), Бахадур Чанд **लोकतियाँ और मुहावरे** (1932), Жамбунатхан **हिंदी मुहावरकोश** (1935), Амбикапрасад Важпай **हिंदुस्तानी मुहावरे** (1940), Балмуқанд

¹⁷ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 183–184.

Арш Малсияни **मुहावरे और कहावतें** (1957), Пратибха Агарвал **हिंदी मुहावरे** (1969), Боланатх Тивари **हिंदी मुहावरकोश** (1984)¹⁸ кабиларнинг асарлари муҳим манба ҳисобланади.

Бироқ ҳинд таржимашунослигида фразеологизмларни таржима қилиш масаласи тизимли равишда ишлаб чиқилмаган. Премчанд романларида қўлланган фразеологизмлар асосан айнан икки тилда мавжуд бўлган иборалар воситасида ва бир-бирига семантик жиҳатдан мос келадиган вариантлари билан таржима қилинган. Жумладан, **क्रोध तो तुम्हारी नाक पर रहता है।** [V., 24]. Таржимаси: *жаҳлинг доим бурнинг учида туради* [С.И., 2., 50]¹⁹. Ҳиндий тилидаги **क्रोध नाक पर रहना** фразеологик бирлиги ўзбек тилидаги *жаҳли бурун учида турмоқ* иборасига эквивалент ҳисобланади.

Ҳиндий тилида **आँखें पथराना** [V.,25] сўз бирикмаси «кўзнинг қотиб қолиши»ни англатади, аслида **पथराना** сўзи «тошдек қотиб қолиш» маъносини беради. Ҳиндий тилида «кутиш»ни англатадиган яна бир **आँखें तरस जाना** – *интизор бўлиб кутмоқ* ибораси мавжуд. Аслиятдаги таъсирчанликни сақлаб қолиш мақсадида таржимон эквивалент сифатида *кўзларим тешилди-ку* иборасини қўллаган. Бу ерда *кўзларим тўрт бўлди* муқобил иборасини қўллаш ҳам ўринли бўлар эди. Чунки *кўзларим тешилди-ку* ибораси майда нарсани кўришда қийинчилик туғдириш маъносида қўлланилади.

Ҳиндий тилида қўлланилган иборага эквивалент фразеологизм топилмаган кўп ҳолларда семантик жиҳатдан муқобили ёрдамида таржима қилинади. Семантик ва стилистик жиҳатдан икки тил тизимида мавжуд иборалар ўзаро фарқ қиладилар ва улар бир-бирига муқобил ҳисобланади.

Аслиятда мантиқий-эркин маънодаги сўзлар ёрдамида баён этилган фикр таржима тилида ҳар хил луғавий маънога эга тил воситалари – аслиятдаги воситага шаклий жиҳатдан яқин ҳамда ундан лексик таркиби билан фарқ қиладиган тил бирликлари ёрдамида ифода этилади. Масалан: **तुम्हने बुझा भी? सर्वथा भ्रम में पड़ गयीं।** [V., 20]. Таржимаси: Ҳали топдим демоқчимисан? *Чучварани хом санабсан* [С.И.-2., 46]. Таржимаси: Топдим дейсанми? Жуда адашасан.

«Адашдинг» деган фикрни ҳамма ҳар хил ифодалашни мумкин. Фикрни англолмаган кишига нисбатан ўзбек тилида жўнгина қилиб «адашдинг» ёхуд «топа олмадинг» дейилади. Ифода ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайди. Аммо она тилининг маъно қирраларини ҳис қилган таржимон бундай нутқий вазиятда *чучварани хом санабсан* иборасидан фойдаланишни афзал кўради.

¹⁸ Шарқшунослар анжумани. Илмий тўплам – Тошкент: ТошДШИ, 2011. – Б. 12–13.

¹⁹ Premchand. Vardān. Naī Dillī: Bhārtīy Granth Niketan, 2011. – P. 123.; Премчанд. Севги инъоми (тарж. А.Файзулла) // Жаҳон адабиёти – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 35–85., № 3. – Б. 77-125. (Ушбу ва кейинги ўринлардаги мисолларда роман номи қисқартмаси ва китобнинг саҳифаси келтириб ўтилади).

सुवामा ने निराशपूर्ण शब्दों से कहा [V., 11]. Таржимаси: Сувома тарвузи қўлтигидан тушиб, жавоб берди [С.И.-2., 38]. Сўзма-сўз таржимаси: Сувома умидсиз сўзлар билан жавоб берди.

Аслиятдан ўзбек тилига маъно жиҳатидан аниқ тарзда Сувома умидсиз сўзлар билан жавоб берди деб сўзма-сўз ўгириш ҳам табиий жаранглаган бўлар эди. Аммо таржимоннинг матнга ижодий ёндашиб, мазкур фикрнинг соф ўзбекча баёни ҳақида ўйлаши жумланинг *Тарвузи қўлтигидан тушиб, жавоб берди* шаклидаги халқона талқинини вужудга келтирган.

Аслиятда иборалар ифодасида ранг-баранг ва ҳинд колорити яққол сезилиб турибди. Айтиш жоизки, асарни таржима қилиш жараёнида айрим ўринларда ҳиндча миллий фразеологизмнинг сўзма-сўз таржимасини бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Н.Маҳмудов ўзбек тилидаги ўхшатишларни тўрт унсурга ажратиб, уларни ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи деб номлайди. «...ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳаммиша бадиий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар; 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади»²⁰.

Ҳиндий ва ўзбек тиллари морфологик жиҳатдан агглютинатив тил бўлганлигига қарамай, икки тилдаги ўхшатишларнинг ифодаси нафақат лексемалар, балки феъл шаклларида ҳам кузатилади. Қуйида ўхшатишларнинг **की भांति** воситасидаги таржимасига доир бир қанча мисолларни кўриб ўтаемиз: **आधे घंटे में दोनों च इयों की भांति चहकने लगे।** [V; 12]. *Ярим соат ичидаёқ иккаласи қушларга ўхшаб чуғур-чуғур қила бошлади* [С.И.-2, 41].

Ҳинд маданиятида қушлар ҳаракат, интилиш тимсоли сифатида тасвирланади²¹. Ўзбек тилшунослигида эса «қуш» ўхшатиш эталони сифатида «учмоқ, жуда катта тезликда ҳаракатланмоқ; енгил, вазни жуда кам, ҳеч бир оғир эмас; енгил, мулойим, ёқимли ҳаракат ҳақида; енгил, эркин, енгил тортмоқ, енгил сезмоқ»²² каби маъноларда қўлланилади.

आनंद के दिन पवन की भांति सन्न-से निकल जाते हैं और पता भी नहीं चलता। [V., 7]. *Қувончли кунлар шамол сингари сершитоб бўлади ва қандай ўтганини билмай қоласан, одам* [С.И.-2, 37].

Шамолдай ўхшатиши ҳиндий тили каби, ўзбек тилида ҳам «жуда тез ҳаракатланмоқ», «тез югурмоқ», «тез ўтмоқ»²³ маъноларида қўлланилади.

²⁰ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 5.

²¹ Невелова С. Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М.: Наука, 1979. – С. 106.

²² Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 305–306.

²³ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Кўрсатилган луғат – Б. 260.

वन्द्याचल पर्वत मध्यरात्रि के नि वड़ अन्धकार में काले देव की भांति खड़ा था। [V., 5]. *Виндхйочал тоғи туннинг зулматли қўйнида қора дев сингари важдоҳатла қад кўтариб турибди* [С.И.-2, 35].

Тадқиқотларда метафоралар онгнинг универсалиялари сифатида белгиланган. Замонавий психологлар дунёни метафоралар асосида кўришни инсоннинг генезиси ва маданияти билан боғлашга ҳаракат қилишади. «Бобо тил»нинг метафорик хусусиятга эга бўлгани, протокоммуникациянинг эса метафоралар даражасида амалга оширилгани ҳақида тахмин қилинади.

